ЙЎЛ БЎЙИ ИНФРАТУЗИЛМАСИДА ТЕМАТИК “ХОСТЕЛЛАР” ФАОЛИЯТИ

Тошкент – 2024 йил

Лойиҳанинг мақсади:

Лойиҳанинг мақсади ривожланган давлатлар каби Халқаро йўллардан ўтувчи маҳаллий ҳамда хорижий транспорт воситалари ҳайдовчилари ушбу хизматлардан фойдаланиши учун кенг имконият яратиб бериш.

Савдо бозорининг мақсади ва баҳосининг хусусиятлари

Ушбу турдаги бизнес бугунги кунда мамлакатимизда энди ривожланаётган бизнес турига мансуб бўлиб юқори даромад олиб келувчи бизнес лойиҳа ҳисобланади.

Бизнеснинг қуйидаги хатарлари мавжуд:

1) форс-мажор ҳолатлари;

2) Турли кўнгилсиз ҳодисалар бўлиши (ёнғин, хавфсизлик қоидаларига амал қилмаслик ва ҳк) ;

3) Рақобат кучайганлиги сабабли сотишнинг пасайиши.

Хавфли вазиятларни ҳал қилиш ва олдини олиш:

1. Форс мажор ҳолатлари мамлакатнинг ички ва ташқи қонун қоидалари билан суд орқали ҳал қилинади.

2. Турли кўнгилсиз ҳолатлар юзага келишини олдинини олиш мақсадида, доимий профилактик ишларни амалга ошириш ҳамда Миллий гвардия ҳамда ўт ўчириш ташкилотларидан олдиндан шартнома имзолаш.

Лойиҳа тўғрисида маълумот

Мамлакатимизда ҳудудларни диверсификация қилиш ва жадал ривожлантириш, янги иш ўринлари ташкил қилиш, аҳоли даромадлари ва ҳаёт сифатини ошириш, шунингдек, инвестиция жозибадорлигини яхшилашни таъминлайдиган миллий иқтисодиётнинг стратегик тармоқларидан бири сифатида туризмни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар хорижлик туристлар оқимини ҳамда меҳмонхона фондини кўпайтириш имконини бермоқда.

Хусусан, туман (шаҳар) йўл бўйларида турли хил савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари, меҳмонхона ва хостеллар, умумовқатланиш шахобчалари, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устахоналари ташкил этилмоқда.

Буларнинг барчаси туризм соҳасини янада ривожлантириш, ички туризм бозорини кенгайтириш, туризм объектларини кўпайтиришга қаратилган чора-тадбирлардир.

Ҳозирги кунда аҳолининг туризм хизматларига бўлган талабини ошириш мақсадида автомагистраль йўллари бўйида “Хостел”лар фаолиятини ташкил этилмоқда.

Хостел — асосан бюджетли туризм учун, турли сиғимли номер ёки хоналарга эга ва санузеллари номер ёки хоналардан ташқарида бўлган, шунингдек меҳмонлар мулоқоти учун алоҳида жойга эга вақтинча яшаш учун мўлжалланган жойлаштириш воситаси.

Дунё тажрибасида хостеллар қулай шароитли саёҳат қилиш имкониятини берганлиги сабабли, ёшлар, талабалар ва ўқувчилар ўртасида оммабопдир. Чунки хостел вақтинчалик яшаш бўйича хизматларни тақдим қилувчи бюджетли туризм учун мўлжалланган жойлаштириш воситасининг бир тури ҳисобланади.

Одатда улар йирик шаҳарларда диққатга сазовор жойлар ва тарихий объектлар яқинида, вокзал ва автобус станцияларига пиёда боришга қулай жойларда ташкил этилади.

Хостелнинг меҳмонхонадан фарқи қуйидагилардан иборат:

– тежамлилик, яъни нархлар меҳмонхона нархларига қараганда анча паст;

– битта номерда бир неча кишини (4 тадан кўп) жойлаштириш имкони;

– минимал хизматларни тақдим этиш;

– номердан ташқарида бўлган умумий санитария-гигиена шароитлари.

Хостеллар фаолиятини ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 июлда “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини тиклаш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 433-сонли Қарори қабул қилинган.

Хостеллар фаолиятини ташкил этиш тартиби ушбу қарорнинг 5-иловадаги Низомга мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

Фаолиятни рўйхатдан ўтказиш

“Давлат Хизматлари Маркази” томонидан тадбиркорлик фаолияти МЧЖ, хусусий корхона ёки турли кўринишдаги юридик шахс сифатида расмийлаштирилади. Расмийлаштириш харажатлари 330 – 660 минг сўмни ташкил қилади.

Хостел учун муносиб жой ва бино танлаш

Хостел учун жой танланганда мижозлар учун қулай бўлишига аҳамият бериш лозим.

Жумладан:

– бинонинг туман (шаҳар) марказига яқин бўлиши;

– бино яқинида диққатга сазовор жойлар бўлиши;

– йўл ёқасида, яъни транспорт ҳаракати учун қулай бўлиши;

– меҳмонларга топиш қулай бўлиши;

– Ёқилғи қўйиш шахобчалари олдида.

Ҳозирда дунё тажрибасида 15-20 та меҳмонлар учун мўлжалланган хостеллар энг талабгор ҳисобланади.

Шунинг учун бизнесни бошлаш учун кўп қаватли ёки хусусий хонадонлар молиявий имкониятлар келиб чиқиб харид қилинади ёки ижарага олинади. Танланган хонадоннинг умумий майдони 150-200 кв.м.дан кам бўлмаслиги керак.

Ҳозирда металл модуллардан (контейнер) осон бино-иншоатлар қуриш оммалашиб бормоқда. Шу сабабдан юқорида айтиб ўтилган талаблар асосида йўл бўйида контейнерлардан фойдаланган ҳолда хостел фаолиятини ташкил этиш хам мумкин.

Бунда хостел учун жой электрон онлайн-аукцион орқали кўчма савдо объекти сифатида ижарага олинади.

Йўл бўйида шу турдаги хостелларнинг афзаллик жиҳатлари:

– биноларни қуришдан кўра кам харажат кетади;

– янги жойга кўчириш имкониятининг мавжудлиги;

– қурилиш муддатининг қисқалиги;

– металл конструкцияларнинг мустаҳкам ва ишончлилиги;

– кўчма савдо орқали ерни ижарага олиш имконияти мавжудлиги.

Контейнер хостелда барча зарурий мебеллардан ташқари, умумий ошхона ва микротўлқинли печ, ҳаммом ҳамда юқори тезликдаги Wi-Fi интернет бўлиши лозим. Шунингдек хостелга яқин жойда машиналар тўхташ жойи бўлиши хам мижозлар учун қулай бўлади.

Лойиҳанинг умумий қиймати

Номи	**Ўлчов бирлиги**	**Ўз маблағи**	**Кредит маблағи**	**Жами**
Кўчма савдо орқали ер ижараси	минг сўм	10 000		10 000
Контейнер хостел биносини қуриш (жиҳозлари билан)	минг сўм	50 000	150.000	200.000
Коммуникация тизимини ташкил этиш	минг сўм	3 000		3 000
Автотураргоҳ ташкил қилиш	минг сўм	3 000		3 000
Бошқа харажатлар	минг сўм	4 000		4 000
Жами:	минг сўм	**70 000**	**150 000**	**220 000**

Улуши		**32%**	**68%**	**100%**

Хизмат кўрсатиш нархи

№	Ўринлар сони	Ўлчов бирлиги	Сони	Суммаси
1	1 кунлик	минг сўм	1	40
2	2 кунлик	минг сўм	1	70
3	3 кунлик	минг сўм	1	100

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, ташкил этилаётган хостел қуввати 20 кишига мўлжалланган.

Тўлиқ қувватда ишлаганда 1 кунда ўртача 800 000 сўм тушум бўлади.

Шунингдек, мижозлар хоналардан 1 кундан ортиқ фойдаланганда чегирмалар тақдим этилади.

Хизмат кўрсатиш режаси

№	Маҳсулот номи	Ўл. бир.	1 ойда кўрсатиладиган хизмат нархи	1 йилда кўрсатиладиган хизмат нархи
1	Йўл бўйида хостел хизмати	минг сўм	24 000	288 000

Ойлик маош харажатлари

Номи	Ўлчов бирлиги	Ходимлар сони	Ойлик тўлов	Жами ойлик тўлов
Директор	минг сўм	1	2 500	2 000
Администратор	минг сўм	1	1 500	1 500
Тозаловчи	минг сўм	1	1 000	1 000
Ижтимоий суғурта бадаллари	минг сўм	12%		540
Жами	минг сўм			**5 040**

Рентабеллик даражаси

Соф тушум ва соф фойда

Номланиши	Ўлчов бирлик	1- йил	2- йил	3-йил	4-йил	5-йил
Хизмат кўрсатишдан тушган тушум	минг сўм	**288 000**	**288 000**	**288 000**	**288 000**	**288 000**
Ижара тўлови		10 000	0,00	0,00	10 000	0,00
Ойлик тўлови харажатлари		60 480	60 480	60 480	60 480	60 480
Коммунал харажатлар		3 600	3 600	3 600	3 600	3 600
Кредит тўловлари		31 000	64 500	61 100	53 250	45 300
Реклама		2 000	2 000	2 000	2 000	2 000
Бошқа харажатлар		10 000	3 000	3 000	3 000	3 000
Кўзда тутилмаган харажатлар		3 000	3 000	3 000	3 000	3 000
Солиққа қадар тушган даромад		**167 920**	**151 420**	**154 820**	**152 670**	**170 620**
Айланмадан олинадиган солиқ (15%)		25 188	22 713	23 223	22 900	25 593
Сой фойда		**142 732**	**128 707**	**131 597**	**129 769**	**145 027**

Эришиладиган натижа

Туманлар (шаҳар) ҳудудидан ўтувчи йўл бўйларида хостеллар фаолиятини (контейнер хостеллар) ташкил қилиш янги иш ўринларини яратиш, аҳоли даромадлари ва ҳаёт сифатини ошириш имконини беради. Шунингдек, ушбу йўналиш орқали инвестиция жозибадорлигини яхшилашни таъминлайдиган туризм соҳаси ривожланади.